



ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

Олий таълим муассасалари хузуридаги ихтисослаштирилган мактабларга ўқувчиларни қабул қилиш тартиби тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги “Иқтидорли ёшларни саралаб олиш тизими ва академик лицейлар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4910-сонли қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги ПҚ-4910-сон қарори билан ташкил этилган олий таълим муассасалари хузуридаги ихтисослаштирилган мактабларга 2021-2022 ўқув йили учун ўқувчиларни қабул қилиш тартиби тўғрисида Муваққат низом 1-иловага;

2021-2022 ўқув йили учун олий таълим муассасалари хузуридаги ихтисослаштирилган мактабларга қабул квотаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Олий ва ўрта махсус таълим вазири



А. Тошқулов

Тошкент ш.,
“12” август 2021 йил
52 Б/К -сон

Халқ таълими вазири



Ш. Шерматов

Тошкент ш.,
“12” август 2021 йил
53 Б/К -сон

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги,
Халқ таълими вазирлигининг
2021 йил “12 август” даги
52-н/к, 53-н/к сон қарорига
1-ИЛОВА

Олий таълим муассасалари ҳузуридаги ихтисослаштирилган мактабларга ўқувчиларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги МУВАҚҚАТ НИЗОМ

I. Умумий қондалар

Мазкур Низом олий таълим муассасалари ҳузуридаги ихтисослаштирилган мактабларга (бундан буён матнда ихтисослаштирилган мактаблар деб юритилади) ўқувчиларни қабул қилиш ва уларни ушбу ихтисослаштирилган мактаблардан ўқишдан четлатиш тартибини белгилайди.

Ихтисослаштирилган мактабларга умумтаълим мактабининг тегишли синфни муваффақиятли якунлаган, чуқурлаштириб ўқитиш белгиланган ўқув фанларидан муайян қобилиятини кўрсата олган ўқувчилар танлов натижалари асосида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан белгиланган квота доирасида қабул қилинади.

II. Ҳужжатларни қабул қилиш

1. Ихтисослаштирилган мактабларга ҳужжатларни қабул қилиш, расмийлаштириш ва тегишли фанлардан саралаш тест синовларини ўтказиш ҳамда ота-оналарнинг мурожаатларини кўриб чиқиш учун Комиссия тузилади (бундан буён матнда Комиссия деб юритилади).

Комиссия таркиби 5 нафардан кам бўлмаган тоқ миқдорда ташкил этилиб, таркибига ихтисослаштирилган мактаб директори, олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилари, туман (шаҳар) халқ таълими бўлими вакили, ўқитувчилар ҳамда ота-оналарнинг вакиллари киритилади.

Ихтисослаштирилган мактаб директори Комиссия раиси ҳисобланади.

2. Олий таълим муассасалари ва ихтисослаштирилган мактабларнинг раҳбарияти танловни сифатли ва рақобатли ўтказиш мақсадида ҳужжатларни қабул қилиш ҳақида ўзларининг расмий веб-сайтларида ҳамда оммавий ахборот воситаларида эълон беради.

3. Комиссия томонидан ихтисослаштирилган мактабларга ҳужжатлар ҳар йили 14-24 август кунлари қабул қилинади.

4. Саралаш тест синовларида иштирок этиш учун ўқувчилардан қуйидаги ҳужжатлар қабул қилинади:

ихтисослаштирилган мактаб директори номига ариза;

3 x 4 ҳажмдаги 2 та рангли фотосурат.

5. Ўқувчининг ота-онаси (қонуний вакиллари) ҳужжатларни қабул қилиш муддати тугагунга қадар тақдим этилган ҳужжатларни қайтариб олиш ҳуқуқига эга.

III. Саралаш тест синовларини ўтказиш

6. Саралаш тест синовларининг материаллари ва методикаси тегишли олий таълим муассасаси ҳамда ихтисослаштирилган мактаб томонидан шакллантирилади. Тест саволларининг мураккаблик даражаси тегишлилиги бўйича таълим дастурларидан келиб чиқиб белгиланади.

Саралаш тест синовлари олий таълим муассасалари томонидан тайёрланган махсус ҳудудларда ташкил этилади ва ўтказилади.

7. Тест синовлари умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари (ДТС) доирасида ихтисослаштирилган мактабда олиб бориладиган тилда ўтказилади.

8. Тест синовларига 90 дақиқа вақт берилади.

Тест синовлари бошлангунга қадар 20 дақиқагача тушунтириш ишлари ўтказилади, бу вақт тест ўтказиш учун ажратилган вақт меъёрига кирмайди.

9. Тест синовлари йўналишлар кесимида қуйидаги фанлардан ўтказилади:

аниқ фанлар (техника)-физикадан 20 та, ихтисослаштирилган мактабда таълим олиб бориладиган она тили ва адабиётдан 10 та, жами 30 та тест саволлари;

аниқ фанлар (иқтисод)-математикадан 20 та, ихтисослаштирилган мактабда таълим олиб бориладиган она тили ва адабиётдан 10 та, жами 30 та тест саволлари;

табiiй фанлар (биология)-биологиядан 20 та, ихтисослаштирилган мактабда таълим олиб бориладиган она тили ва адабиётдан 10 та, жами 30 та тест саволлари;

табiiй фанлар (кимё-технология)-кимёдан 20 та, ихтисослаштирилган мактабда таълим олиб бориладиган она тили ва адабиётдан 10 та, жами 30 та тест саволлари;

10. Ўқувчилар Комиссия томонидан шакллантирилган рўйхат асосида саралаш тест синовларига киритилади.

11. Саралаш тест синовлари натижаларига кўра ўқувчилар баллар кетма-кетлиги бўйича белгиланган квотага мувофиқ қабул қилинади.

12. Ўқувчиларга саралаш тест синовлари ўтказиладиган ҳудудга ўзи билан фақат ручка ва янги дафтар олиб киришларига рухсат этилади.

13. Саралаш тест синовларига келмаган ўқувчилар учун кўшимча тест синовлари ташкил этилмайди.

14. Ўқувчиларнинг танловлардаги кўрсаткичлари тенг бўлиб қолган ҳолларда қуйидагилар имтиёзга эга бўлади:

ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар;

кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари.

15. Саралаш тест синовларининг якуний натижалари 1 иш куни ичида Комиссия томонидан ихтисослаштирилган мактабдаги эълонлар тахтасида, шунингдек, тегишли олий таълим муассасасининг веб-сайтида эълон қилинади.

16. Саралаш тест синовларини ўтказиш жараёнидан норози бўлган ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар Комиссияга, олий таълим муассасаси вакилларига мурожаат этишлари мумкин. Ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар берилган жавоблардан норози бўлса, белгиланган тартибда судга мурожаат этишлари мумкин.

17. Саралаш тест синовлардан муваффақиятли ўтган ўқувчилар тест синовлари ўтказилган йилнинг 2 сентябрига қадар ихтисослаштирилган мактаб директори буйруғи асосида ўқувчилар сафига киритилади.

IV. Ўқувчиларни ўқишдан четлатиш ва бўш ўринларга номзодларни қабул қилиш

18. Ихтисослаштирилган мактабнинг уставида белгиланган ички тартиб-қоидаларини бузган ўқувчилар туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар билан келишилган ҳолда педагогик кенгаш қарори асосида аввал ўқиган мактабига қайтариб юборилади (ўқувчининг яшаш жойи ўзгарган тақдирда худуддаги бошқа мактабга).

19. Ихтисослаштирилган мактабда бўшаб қолган ўринларга саралаш тест синовларида иштирок этиб, тегишли фанлардан юқори натижа кўрсатган ўқувчилар баллар рейтинги бўйича кетма-кетликда қабул қилинади. Агар ўқувчининг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслардан рад жавоби олинса, баллар рейтинги бўйича навбатдаги юқори балл тўплаган ўқувчи чақириб олинади.

20. Ўқув йили якунлангандан сўнг бўш ўринлар учун қўшимча тест синовлари эълон қилинади ва ўтказилади. Бунда тест синовлари ўқувчининг битирган синф ҳажмидаги ўқув фанларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этилади.

V. Якуний қондалар

21. Ушбу Низом талабларини бузганликда айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги,
Халқ таълими вазириликнинг
2021 йил "12.12.2021" даги
5241/5878-сон қарорига
2-ИЛОВА

**2021-2022 ўқув йили учун олий таълим муассасалари ҳузуридаги
ихтисослаштирилган мактабларга қабул квотаси**

т/р	Ихтисослаштирилган мактаб номи	Қабул режаси
	Республика бўйича жами:	1375
	Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	
1	Ўзбекистон миллий университети ҳузуридаги аниқ ва табиий фанларга ихтисослаштирилган мактаб	180
	7-синф (аниқ фанлар-техника)	30
	7-синф (табиий фанлар-биология)	30
	8-синф (аниқ фанлар-техника)	30
	8-синф (табиий фанлар-биология)	30
	9-синф (аниқ фанлар-техника)	30
	9-синф (табиий фанлар-биология)	30
2	Самарқанд давлат университети ҳузуридаги аниқ фанларга ихтисослаштирилган мактаб	75
	7-синф (аниқ фанлар-техника)	75
3	Урганч давлат университети ҳузуридаги физика-математика ва информатика фанларига ихтисослаштирилган мактаб	180
	7-синф (аниқ фанлар-техника)	30
	7-синф (аниқ фанлар-иктисод)	30
	8-синф (аниқ фанлар-техника)	30
	8-синф (аниқ фанлар-иктисод)	30
	9-синф (аниқ фанлар-техника)	30
	9-синф (аниқ фанлар-иктисод)	30
	Нукус давлат педагогика институти ҳузуридаги математика фанига ихтисослаштирилган мактаб	240
	7-синф (аниқ фанлар-техника)	90
	8-синф (аниқ фанлар-техника)	90
	9-синф (аниқ фанлар-техника)	60
3	Қарши муҳандислик-иктисодиёт институти ҳузуридаги аниқ ва табиий фанларга ихтисослаштирилган мактаб	520
	7-синф (аниқ фанлар-техника)	80
	7-синф (аниқ фанлар-иктисод)	60
	7-синф (табиий фанлар-биология)	80
	7-синф (табиий фанлар-кимё-технология)	60
	8-синф (аниқ фанлар-техника)	40
	8-синф (аниқ фанлар-иктисод)	20

	8-синф (табиий фанлар-биология)	40
	8-синф (табиий фанлар-кимё-технология)	20
	9-синф (аниқ фанлар-техника)	40
	9-синф (аниқ фанлар-иқтисод)	20
	9-синф (табиий фанлар-биология)	40
	9-синф (табиий фанлар-кимё-технология)	20
4	Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги аниқ фанларга ихтисослаштирилган мактаб	180
	7-синф (аниқ фанлар-техника)	60
	8-синф (аниқ фанлар-техника)	60
	9-синф (аниқ фанлар-техника)	60